



Tadqiqot

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛАРИ

2020



Crossref

№18

31.09.2020

www.tadqiqot.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
7-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-7**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-7**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020.- 401 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётта жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалдиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хонимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

АНАМИЯТИ	4
20. Yunusova Jamila Boltaboyevna SHAVKAT RAHMON SHE'RLARIDA METAFORIK KO'SHIM	5
21. Юсупова Гулхумор HEMIS TILI FRAZELOGIYASIDAGI "FRAU" VA "MANN" S'ZLARI QATNASHGAN MAQOLLAR TAHLILI	5
22. Абдуллаева Нилуфар Султанбаевна VOПРОСИТЕЛЬНАЯ СЛУЖЕБНАЯ ФОРМА В РАЗРЯДЕ ЭКСПРЕССИВНОСТИ В УЗБЕКСКОМ, ТУРЕЦКОМ И КИРГИЗСКОМ ЯЗЫКАХ	5
23. Дилором Кадырова ВИДЫ ТВОРЧЕСКОЙ РАБОТЫ, ИСПОЛЪЗУЕМЫЕ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ В НАЧАЛЬНОМ КУРСЕ МАТЕМАТИКИ	5
24. J.A.Matkarimov, M.K.Mirzaahmedov, Shomirzayeva Fotima Mahammatzoirovna WINDOWS OPERATSION TIZIMIDA FOYDALANUVCHI MA'LUMOTLARINI SAQLASHDA XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH USULLARI	5
25. Мустафакулова Нафиса Шавкатовна ТАБЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ	6
26. Isaqova Zilolaxon, Sattarova Saidaxon ANALYZE EXPRESSIVENESS OF LEXICAL STYLISTIC DEVICES IN FICTION BOOK	6
27. Хожиева Махфират Юсуповна ШАХСИ ТАВСИФЛОВЧИ С'З БИРИКМАЛАРИНИНГ БАДИИЙ АСАРДА ВОКЕЛАНИШИ (А.КАҲҲОР АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)	6
28. Raxmedova Iqboloy Marksovna SHET TILI FANLARINI O'QITISHDA INTERFAOL, HARAKATLI O'YINLARNING ROLI	6
29. Abdullayeva Madina Davronqul qizi NUTQ MADANIYATINI OSHIRISH	6
30. Askarova Marhabaxon Abrarhodjaevna ФИЛОЛОГ КАДРЛАРНИ ТАЁРЛАШДА АРАБ ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИНИНГ МУҲИМ АҲАМИЯТИ	7
31. Asqarova Gulzoda Xusanboyevna THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN INCREASING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING ENGLISH	7
32. Isaqulova Munosib Xasanboyevna PROBLEMS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR SOLUTIONS	7
33. Islomova Go'zal Ithom qizi BADIIY ASARLARNING AYRIM SINTAGMATIK XUSUSIYATLARI	7
34. Mexmonova Muhabbat O'ZBEK TILI LEKSIKASINING BOSHQA TILLAR BILAN ALOQASI VA TA'SIRI	7
35. G'iyosiddinova Nigoraxon ADABIYOT FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR	7
36. Nuriddinova Surayyo Shodibek qizi FONEMA VA TOVUSH O'RTASIDAGI MUNOSABAT	8
37. Oyboloyeva Gulnoza Arzimahammat qizi DIALEKTIZMLARNING USLUBIY XUSUSIYATLARI	8
38. Pardayeva Feruza Rashidovna ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING YOZMA NUTQINI O'STIRISH	8
39. Samadova Feruza Safarovna SAVOD O'RGATISH DARSLARIDA SAMARADORLIKNI OSHIRISH METODLARI	8
40. Shoazizova Aziza THE ROLE OF TESTING ABILITY IN ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE	8
41. To'rayeva Dildora Anvarovna NUTQDA AKS ETGAN PSIXIK HOLATLARNING O'RNI	8

**ШАХСНИ ТАВСИФЛОВЧИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ БАДИИЙ АСАРДА
ВОКЕЛАНИШИ (А.ҚАХХОР АСАРЛАРИ МИСОЛИДА).**

Хожиева Махфират Юсуповна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси
 +998(99)703 50 31
hojiyevamaxfirat@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилида шахсни тавсифловчи сўз бирикмалари тил имкониятларининг шахсни касби, машғулоти, миллати ва яқинлик муносабатига кўра тавсифловчи нуткий ҳосилалари берилган.

Калит сўзлар: Сўз бирикмаси, шахс, жинс, касб, миллат, яқинлик муносабати луғавий маъно гуруҳ, луғавий маъно тўда, лисон, нутк.

Ўзбек адабиётида “захматкаш калам дехкони” (А.Орипов) сифатида танилган атоқли адиб Абдулла Қаххорнинг бадий асарларига назар ташлар эканмиз шахсни тавсифловчи сўз бирикмаларининг бадий-услубий қўлланилиши ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. А.Қаххор сўзга уста, унинг асарларида тил имкониятларининг реал вокеланиши ўзгача ва такрорланмас. Мохир танкидчи М.Қўшоновнинг ёзувчи ижодига берган таърифига эътибор қаратсак “Абдулла Қаххорни ёзувчиларимиз ичида сўзда энг мохири” дейдилар. Бу гап ҳеч кимда шубҳа тугдирмас керак. Сўзларни маънодор қилиб ишлатишда, ихчам жумлага катта мазмун бағишлашда, фикрни лўнда ва аниқ қилиб бера билишда Қаххор ўз сафдошлари ичида фахрли ўринни эгаллайди. Тил жиҳатдан ўз касбдошларига, хусусан, ёшларга нисбатан унинг талаби катта”[1,11]. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек адиблари орасида Абдулла Қаххорчалик ўзбек адабий тилини маданиятимиз кўзгуси сифатида севиб ардоқлаган, бу кўзгунини хиралаштирадиган ҳар қандай иллатга қарши аёвсиз курашган, ўзбек тилининг бадий мукамал ифодасини ўз ижоди мисолида намоён эта олган мохир сўз устаси ва тил фидойисини топиш мушкул. “Модомики, тил адабиётнинг энг биринчи элементи экан, тилни, унинг қонун-қоидаларини, хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилиш адибнинг энг асосий вазифаси бўлиши керак”, деб ҳисоблайди А.Қаххор.

Шундай экан, тил ёзувчи фикрини аниқлашда асосий омил эканлигини, “қитобхонга бир фикрни ёки бир нарсани аниқлаш учун кишининг бошини қотирмайдиган, очик, раво, содда тил кераклигини, сўзлар қанча табиий ишлатилса, ёзувчи айтадиган фикр шунча аниқ ифодаланишини” таъкидлайди [1,11]. Негаки, адиб “ҳақиқий санъат асарини кўнгил иши, илҳом самараси, ҳикмат, мўъжиза” деб билган. Ёзувчиликни касбга айлантирган қосиблардан ранжиб, “асардаги ҳар бир ном ортида тирик одам, вокеликда ҳақиқат ва типиклик бўлиши лозим” деб қуюнди. Чунончи, “Ўтмишдан эртақлар” киссасида муаллиф вокеликдаги ҳақиқат ва типикликни ифодалаш мақсадида саксонга яқин (аниги—етмиш тўққизга) шахсни тавсифловчи сўз бирикмасидан фойдаланган. Адиб ўзи таъкидлаганидек, “ҳар бир ном ортида тирик одам бўлиши”га интилгани сабабли асар қаҳрамонларига ҳос хусусиятларини реал тасвирлайди.

Жумладан:

1. *Қўшни хотинлар ном ётиб беришар, қир-чирга қарашар эди* [5,20].
2. *Темирчи устанинг: “Зингер” олганлиги дарров доврққ бўлиб кетди* [5,28].
3. *Доктор хотин дадам икковимизни аямнинг чап томонидаги кичкина сим қаравот олдиға бошлаб борди ва оқ рўжачанинг: бир чеккасини кўтарди* [5,97].

Маъкур киссадан олинган парчаларда шахсни тавсифловчи уч хил сўз бирикмаси қўлланган. Булар: *қўшни хотин(лар)*, *темирчи уста*, *доктор хотин* бирикмалари бўлиб, лисоний-синтактик қурилишига кўра умумий [O_u ~ O_u] = СБ қолинига тегишли нуткий ҳосилалардир. Аммо бу уч хил сўз бирикмаси уч хил шахс ва уларнинг ҳар бирига ҳос хусусиятни тавсифлаши билан бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, *қўшни хотинлар* бирикмасида шахс бирдан ортик миқдорга эгалли билан қолган бирикмаларга ўхшамаса ҳам, тобе ва ҳоким аъзоларининг шахс отларидан тузилганлиги ва шахснинг муайян тавсифи берилганлиги билан юқоридаги синтактик қолип ҳосилалари каторидан жой олади. Бирикмадаги [-лар] ифодалаётган миқдор маъноси синтактик қурилишга таъсир этмайди. Демак, маъкур ҳосилада аёл жинсига тегишли (матнда бирдан ортик шахс)нинг яқинлик



муносабатига кўра тавсифи берилган. Муаллиф ўзбек тилида хавжуд қўшни ёки қўшинлар сўзларидан фойдаланиб, шахснинг жиндик муносабатига кўра тавсифи берилган от лексемаларнинг воқелиниш имкониятини кўрсатиши мумкин эди. Бирок ёзувчи қўшинлар сўзини эмас, қўшни хотинлар сўз бирикмасини қўллаб, шахсни тавсифловчи бирикмалар шахс отларига нисбатан шахс ҳақидаги тушунчани аниқ ва равшан ифодалашни амалда кўрсатган. Негаки, матнда қўшни сузи урнида хотин сузи қўлланганда ҳам шахс тавсифи аниқ бўлмас эди. Буни темирчи уста ва доктор хотин бирикмаларининг қўлланиш ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин.

Матнда темирчи уста бирикмасида шахснинг қандай шахс эгаси эканлиги ҳақида тушунча янада аниқ ифодаланади. Чунки тавсифланаётган шахс бирикмада касб-ҳунарни англатувчи лексема билан ифодаланиб, иттиҳомчи позициясида, яъни ҳоким вазиятда уста сўзи шахснинг касбини билдиради.

Табиийки, бу қандай уста ҳақида фикр юритилаётганлигини аниқлашни тақозо этади. Айнан темирчи сузи уста ҳақидаги ахборотни тўлиқ ва аниқ бўлишини таъминлайди. Ёзувчи темирчи уста бирикмаси орқали асар қаҳрамонининг касб-кори тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишга эришади. Zero, темирчилик билан шуғулланган ва «Зингер» машинасини сотиб олган шахс муаллифнинг отаси – Абдукаҳҳор эди. Отаси уста бўлганлиги ва темирчи уста бўлиб кун кечирганлигини билдириш эҳтиёжи туфайли ёзувчи шахсни тавсифловчи сўз бирикмаларидан фойдаланган.

Асарни ўқир эканмиз, темирчи уста бирикмасига ўхшаш тақачи уста (95-бет) ва арабасоз уста (131-бет) бирикмаларини учратамиз. Кўринишида, «Ўтмишдан эртақлар» қиссасининг кўпчилиқ қаҳрамонлари усталар, касиб-ҳунармандлар бўлиб, ёзувчи уларнинг турмуш тарзини реал тасвирлаш ҳамда ҳар бирининг ўзига ҳос тавсифини бериш максалида уста сўзининг маъновий ва жойлашувга ҳос бирикувчанлик имкониятларидан унумли фойдаланган. Натижада, уста сўзи иштирок этган уст хил бирикма ҳосил бўлган. Худди шундай реал тавсиф доктор хотин бирикмаси юзага чиққан матнда ҳам мавжуд. Бош қаҳрамон – Абдулланинг хотирасида аясини даволаган аёл образи доктор хотин бирикмаси орқали гавдаланган. Шунинг учун ёзувчи унинг исмидан кўра касби ва жинси тавсифланган доктор хотин сўз бирикмасини далил сифатида кўпроқ ишонарли ҳамда аниқ бўлишини билдириш билан. Бу ҳолатда ҳам шахсни тавсифловчи сўз бирикмаси ҳаётий, реал тасвирни шакллантирувчи воситага айланган ва мазкур бирикма ортида тирик одам гавдаланаётганлигини аниқлаш қийин эмас.

Адиб асарларини сингритлаб кузатар эканмиз тил имкониятларининг нутқий ҳосилаларини ва уларнинг рави-барави кўринишларини учратамиз. Шахсни тавсифловчи сўз бирикмалари тилимизда умумий қурилиш қолиплари остида бирлашса, унинг ҳосилалари коммуникация ҳамда бадий асарларда реаллашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Адабиёт жонкуяри//“Ёшлар билан суҳбат” (Нутқ. мақсда, суҳбат, тақриз ва ёзишмалар). –Т.: Ёш гвардия, 1968. –144 б.(3-13-б.)
2. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? –Т.: Фан, 1978. –75 б.
3. Гуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1987. – 256 б.
4. Абдураҳмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омситурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили Синтаксис –Т.: Ўқитувчи, 1979 - 208
5. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар: 5-жилдик. 3-жилд. Ўтмишдан эртақлар. Қиссалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 368 б.